

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

426 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатураси (2012 йилги версия) қабул қилиниши муносабати билан:

1. 2012 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 сентябрь,
ПФ–4470-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги
ПФ-4470-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар
(ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича
кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги
ПФ-1871-сонли Фармониغا киритиладиган ўзгартишлар**

1. 1-илованинг иккинчи қатори қуйидаги тахрирда баён этилсин:

2.	Қимматбаҳо металллар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар; рудалар, концентратлар парчалари ва чиқиндилари; қимматбаҳо табиий тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар; қимматбаҳо табиий тошларнинг чиқиндилари, кукунлари ва рекуператорлари; марварид ва улардан тайёрланган буюмлар, қаҳрабо ва улардан тайёрланган буюмлар	2843, 3006 400 00 0 (фақат қимматбаҳо металллардан), 7106 — 7115, 7118 (фақат қимматбаҳо металллардан), 9003 19 000 1, 9021 21 900 0 (фақат қимматбаҳо металллардан), 9101, 9111 10 000 0, 9113 10, 9608 10 920 0 ва 960810 990 0 (фақат қимматбаҳо металллардан), 9608 30 000 0 (фақат қимматбаҳо металллардан), 9705 00 000 0 (фақат қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангалар), 7116 (фақат марваридлар ва табиий қимматбаҳо тошлардан), 9602 00 000 0 (фақат ишлов берилган қаҳрабо ва ундан тайёрланган буюмлар)
----	---	--

2. 2-илованинг тўртинчи қатори қуйидаги тахрирда баён этилсин:

4.	Хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари	2709 00, 2710 (2710 12 410 0 — 2710 12 590 0, 2710 19 290 0 бундан мустасно)
----	---	--

3. 4-илованинг бешинчи қатори қуйидаги тахрирда баён этилсин:

5.	Гўшт маҳсулотлари, уй паррандаси гўшти маҳсулотлари*	0201 — 0210 (0207 53 000 бундан мустасно) 0207 53 000
----	--	---